## Оила одоби

# Ҳаёт лаззати — ширин турмуш

ИККИ ёшнинг ширин орзу-умид билан бир ёстиққа бош қўйиб турмуш қуриши ҳар бир хонадонга қувонч ва бахт келтиради. Бундай пайтда ҳар ким яхши ният айтиб: «Қўшгани билан қўшақаришсин,ували-жували бўлсин» деб тилак билдиради. Лекин, афсус-надомат билан айтамизки, бир-бирига муҳаббат қўйиб, бир-бирини яхши тушуниб турмуш қурган баъзи ёшлар қандайдир арзир-арзимас сабаблар билан ажралиб кетишади. Натижада янги оила барбод бўлади, қиз узатган ва ўғил уйлантирган хонадонда ҳамма безовта-асабий бўлади, энг ёмони ўртада бола бўлса, у тирик етимлик жабрини тортади.

Хўш, бизда нега ажралиш ҳоллари кўп юз бераяпти? Бу муаммони ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи олимлар ўрганишмоқда. Уларнинг таъкидлашларича, ажралишнинг кўпайишига аёлларнинг жамиятда тутган мавқелари — мустақилликлари орта бориши ҳам сабаб бўлаяпти. Республикамизда ҳар юз никоҳга ўртача 13 та ажралиш тўғри келса, Тошкент шаҳримизда бу рақам 35 тани ташкил этади.

Одатда, билими, касби-кори, мутахассислик даражаси юқори бўлган аёл ўз тақдирини белгилашда ўзини кўпроқ мустақил, қатъий сезаверади, янги оила, турмуш, рўзғор, ўзига хос талаб-эҳтиёжларга кўникишда бўйни ёр бермайди. Эркак ҳам ўзича мавқеини баланд тутиб, хотинни «эгиб» олмоқчи бўлади. Бунинг устига қайнана, қайната, ота-она, уйдаги катта-кичиклар муомала одоби ўртага тушади. Нималардир ёқмайди, жирканиш, асабийлашиш бошланади. Шундан кейин кечагина бир ёстиққа умид билан бош қўйган икки ёш орадан унча кўп вақт ўтар-ўтмас яна ЗАГС остонасида пайдо бўлиб, ажралишга ҳаракат қиладилар. Улар бундай енгилтакликлари билан фақат ўзларигагина эмас, балки яқин одамларига, ота-оналарига ва қариндош-уруғларига изтироб ҳамда қайғу келтиришлари ҳақида кўпинча ўйлашмайди. Оилавий ҳаёт тўрт кунлик роҳат-фароғат эмас, балки умр бўйи садоқат синови, шодлик ва ғам-қайғу дақиқаларида ҳамдардлик синовидир. Зеро, ўзбек халқининг «Аҳил турмуш — узоқ умр» деган доно нақли ҳаёт инъикосидир.

Севги, бир-бирини тушуниш, маслак бериш, ҳурмат ва дўстлик оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи заруратдир. Эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, оилавий можароларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда, кўп ҳолларда эр ёки хотиннинг оилавий ҳаётдаги бурч ва масъулиятини тўғри тушуниб етмаслиги, ношудлиги, муомала-муносабатни билмаслиги, умуман оилавий турмушга тайёр эмасликлари аниқланган.

Халқимизда «Эркаласа онаси — талтаяди боласи», «Онасини кўриб қизини ол», деган нақллар бор. Шундай. Баъзи оналар, қиз бола бўйига етдими, ҳадемай узатилиб кетади, ота-онасиникида ўйнагани-кулгани қолади, деган нотўғри тушунча билан кап-катта қизларини талтайтириб уй-рўзғор юмушларидан, турмуш қийинчиликларидан ҳоли тутадилар. Уларни ўз майлларига ташлаб, хато қиладилар. Она бутун қийинчиликни ўз устига олади. Қизини тик ўстиради. Бу билан зарар иш қилаётганини тушуниб етмайди. Яна бир хил тоифадаги оналар борки, қизларига, «Яхши ўқисанг, одам бўлсанг бас, уй ишларини ўзим эплайман» деб ҳатто бўйига етган қизларига чўри бўладилар. Бу билан она ўз қадр-қимматини ерга уради. Меҳнатда чиниқмаган, қийинчиликларни кўрмаган қиз қандай қилиб баркамол инсон бўла олади? Қиз боланинг меҳнат билан ақл-фаросати ўткирлашади, маънавий камолотга етишади. Айни кучга тўлган даврида юмуш билан чарчамайди, озмайди. Балки рангига-ранг, қонига-қон қўшилади, чиройи очилади. Уни ҳар бир ишни режа билан қилишга ўргатиш зарур. Шунда у ҳамма нарсага — ўқишга ҳам, тикиш-бичишга ҳам, ота-онага қарашишга ҳам вақт топади, улгуради.

Бўйига етган қизларни ўз ҳолига ташлаб назоратсиз қўйиш, тергамаслик ёмон оқибатга олиб келиши мумкин, чунки 15-16 ёшли қиз ҳали ақлини бир жойга йиғиб олмаган бўлади, ёмон билан яхшининг фарқига етмайди. Ғоят таъсирчан, ўзига жуда бино қўйган бўлади. Бу ёшда унинг жинсий белгилари етила бошлайди. Шунинг учун ҳам она қизига яқин бўлиши, унинг сирдош дўстига айланиб, ундан доимо хабардор бўлиб туриши керак.

Қиз бола каби ўғилни ҳам оила қуришга тайёрлаш лозим. Бунда энг аввало ўғилни меҳнатга ўргатиш, ҳамма ноз-неъматлар, оиланинг фаровон ва тўкин-сочинлиги ҳам, рўзғорнинг бутунлиги ҳам меҳнат орқасидан эканлигини амалда исботлаш ва буни ўғилнинг онгига сингдириш керак. Бундан ташқари, оилада топилган маблағни оқилона сарфлаш, тежамкор бўлиш, турмуш учун энг зарур нарсаларнигина харид қилиш, эр-хотиннинг топган маблағларини бамаслаҳат, режали харажат қилиши каби оддий қоидаларни ҳам ўргата бориш керак бўлади. Мана шундай ҳаётий сабаблардан бебаҳра ёш оилаларда ажралишнинг кўплаб учраши кузатилган.

Баъзи ота-оналар ўз фарзандларининг майлига қарамай, уларни уйлантирадилар ёки эрга берадилар. Улар ўз фарзандларининг тақдирини «орзу-ҳавас» қурбони қиладилар. Ўтмишдан мерос бўлиб қолган бундай қолоқ «орзу-ҳавас» ҳаётимизга доғ туширмоқда, айрим ёш оилаларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Ота-она «орзуси» деб поймол бўлган икки ёшнинг севгиси ҳақида бир ҳаётий мисолни келтирамиз.

Қудалар-ку тенги билан, келин-куёв-чи? Баъзан ўғлини қаршисига ўтказиб қўйиб, жаҳл билан насиҳат қилаётган амалдор ёки пулдор отанинг у билан гаплашишига эътибор қилинг.

— Келиб-келиб топганинг шу бўлдими? Мен ким-у, ўша қизнинг ота-онаси ким. бунинг фарқига борасанми ўзи?! Менинг «фалончи» деган номим бор, бутун шаҳар танийди, уларни ким ҳам танирди? Тўғри, ишчи бўлсаям, жуда одамохун одамлар экан, лекин эртага қуда уйимга меҳмон бўлиб келиб, у темирдан, мен савдо-фойдадан гапирсам, бу ёғи қандоқ бўлади? Йўқ, ўғлим, бошқа қиз топ! Хўп десанг «фалончи»нинг қизини олиб бераман. Отаси кимсан «фалончи», бутун умри катта ишларда ишлаб ўтяпти. Ўғли бутун бошли универмагнинг директори-я! Қуданг борми деса, бор дегудай. Ана ўша менинг тенгим!

...Масъул ишда ишлайдиган К. исмли амалдор шу мулоҳазалар билан студент ўғлини севган қизи қолиб, ўзига ўхшаш амалдорнинг қизига уйлантирди. Тўй ҳашаматли ўтиб, шаҳарга овозаси тарқалди: тўкин-сочин дастурхонлар, кечаю-кундуз тандир-тандир нон ёпилди, ўнта қўй, икки ғунажин бўғизланди. Хилма-хил таомлар пиширилди. Қиз томон қимматбаҳо гарнитур билан келди, ўғилнинг отаси эса катта маблағ эвазига солинган кошонани тақдим этди. Емак-ичмак ошиб-тошиб, совға-салом ҳеч қаерга сиғмай кетди. Тўй куни келин-куёв шаънига кўп илиқ гаплар айтилди. Аммо келин-куёв бир-бирига ярим тескари боқиб, бир нуқтага тикилганча ўтирар, гўё бу тантананинг уларга дахли йўқдек эди. Тўйдан кейин ҳам келин-куёвнинг офтоби ёришмади. Ниҳоят, қизнинг ўзи тилга кирди:

— Билиб турибман... Иккимиз ҳам ота-оналаримиз орзуси қурбони бўлдик. Иккимиз ҳам иродасизлик қилдик... Мен бошқа йигитни севардим. Очиқ гапирганим учун кечиринг мени...

— Синглим, мени ҳам кечиринг... Сиз-ку, қиз боласиз. Мен йигит бошим билан иродасизлик қилдим. Бу гапни отамга мен гапириб, рад қилишим керак эди. Мен ҳам бошқа қизни севардим... Энди нима қилдик?

— Ажрашамиз. Кеч бўлса-да, хатони тузатамиз.

...Қиз билан йигитнинг бу ниятларидан хабардор бўлган «тенгини топган» қудалар ўзларини қаёққа уришни билмай қолишди. Ҳар иккисига насиҳат қилиб кўришди, ҳатто йигитнинг отаси кап-катта ўғлига тарсаки тортишдан ўзини тийиб туролмади. Ахир тўйга кетган ўн минглаб сарф-харажатларни, совға-саломларни ким қоплайди! Охири натижа чиқмади. Келин-куёвлар никоҳни бекор қилишни сўраб судга ариза ёзишди. Аммо суд уларнинг аризасини қайтариб, агар ўртада болалар бўлмаса, никоҳни ҳар иккисининг розилиги билан ЗАГС органи бекор қилиши мумкинлигини тушунтирди. Никоҳ ЗАГС органи томонидан осонгина бекор қилинди. Ойлаб, йиллаб қилинган тайёргарликлар, минг-минг сўмлаб харажатлар кўкка совурилди.

Яна бир масалани айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила ҳақидаги кодексининг 19-моддасига асосан бир хил насл-насаб чизиғи бўйича тўғри туташган қариндош-уруғлар ўртасида, туғишган ака-укалар ўртасида, опа-сингиллар ўртасида, фарзандликка олинганлар билан фарзандликка олганлар ўртасидаги никоҳга йўл қўйилмайди. Қонун билан белгиланган бу қоидалар ахлоқий ҳамда биологик мулоҳазаларга асосланади. Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, никоҳ қанча узоқ қариндош билан тузилса, авлод шунча соғлом бўлади. Чунки яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ туфайли қон қўшилиш болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Афсуски, айрим ота-оналар қонун билан белгиланган ана шу қоидага амал қилмайдилар, қариндошлик иплари узилмасин деб, бир-бирларига яқин қариндош бўлган йигит-қизларини қовуштириб, кейин жабрини тортадилар.

...Суд залида аввал бир-бирларига яқин қариндош, бугунги кунда эса эр-хотин бўлган М. билан О. ўтиришибди. Ҳар икковининг юз-кўзларида қаттиқ пушаймонлик, маъюслик ва оилавий бахтсизлик из солган. М. ҳасрат билан ҳикоя қилади:

— Икковимиз ака-сингиллардай эдик. Ота-оналаримиз бизни мажбурлаб, зўрлаб никоҳладилар. Мана, энди табиат бизни жазолади: биринчи ўғлимиз гунг бўлиб туғилди... Олиб бормаган жойимиз, кўрсатмаган шифокоримиз қолмади. Бунга даво йўқ, бу туғма касаллик, дейишяпти. Кейин иккинчисига ҳомиладор бўлдим. Яна ногирон бола туғилмасин, деб дори ичдим. Натижада ошқозон касалига мубтало бўлдим. Буниси ҳам гунг бўлиб туғилди.

М. аламли кўз ёшларини тиёлмади. Эри О. эса гўё бу ишларга гуноҳкордай бошини қуйи эгди.

— Икковимиз жуда иноқмиз, турмушимиз тўкин-сочин. Аммо, бахтсиз болалар туғиляпти. Бизни ажратиб қўйишингизни сўраб, рози-ризолик билан ариза ёзиб келдик.

Яна бир никоҳ бекор қилинди. Ажралишган эр ва хотингина эмас, уларнинг яқинлари ҳам бундан руҳий азоб чекдилар. Чунки улар кейинчалик бахтсиз бўлиши муқаррар бўлгани никоҳга илгарироқ йўл қўйгандилар. Мана шулардан хулоса қилиб айтганда, ёш оила қурувчи йигит ва қизни ҳаётга тайёрлашда ота-оналар алоҳида эътибор беришлари керак. Ёшлар бир-бирларини севиб, синаб, бир-бирларига садоқатли бўлишга аҳд қилиб оила қурсалар, уй-рўзғорда ва ўзаро муносабатларда якдил, ҳамдам ва ҳамдард бўлсалар улар турмуши бир умр бузилмайди. Умр савдоси — бозор савдоси эмас, бу анча қийин, мураккаб савдо, агар яхшилар бир-бири билан топишса мазмунли ҳаёт савдоси бўлиб қолади.

**Ойшахон ТЎРАЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари номзоди.**



## Олимларнинг лабораторияларида

# Қуёш тадқиқ этилмоқда

Қуёшли кунларда ҳамиша Ўзбекистон ССР Фанлар академияси астрономия институтида телескоплар нигоҳи самога қаратилган бўлади. Бу демак, қуёшни кузатиш халқаро программасининг қатнашчилари — «Қуёш физикаси» бўлимининг ходимлари тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Бутун дунё астрономлари кўп йиллардан бери эстафетани бир-бирларига топшириб, самодаги ёритқичимизни кузатишаяпти. Тошкентлик олимлар ҳам ўзларига ажратилган вақтда телескопларни қуёшга тўғрилашади, уч соат мобайнида уни узлуксиз суратга олишади. Ана шу вақт мобайнида плёнкаларда қуёшдаги доғлар, чақнашлар, отилиб чиқаётган газ алангалари ўз аксини топади. Сўнгра маълумотлар синчиклаб таҳлил қилинади, мувофиқлаштириш марказига етказиб берилади. Ёритқичнинг томир уруши ана шундай қайд этиб борилади.

Олимлар йил бўйи кузатув олиб бориб, қуёш активлиги ўзгаришларининг қонуниятларини тадқиқ этадилар. Мазкур тадқиқотларнинг амалий аҳамияти ҳам бор, улар геофизикларни, гидрогеологларни, магнитологларни, сўнгги вақтларда эса медикларни ҳам қизиқтирмоқда.

Институтнинг кекса ходимларидан бири, физика-математика фанлари доктори Юдиф Моисеевна Слоним шундай деб ҳикоя қилади:

— Мамлакатимизда қуёш хизмати 1932 йилда ташкил этилган. Бизнинг Тошкентдаги институтимиз жойлашган тепалик астрономия учун ниҳоятда қулай микроиқлимга эга. Шу ерда биз қуёшнинг беш даврини кузатдик, ҳар бир давр 10—11 йил давом этади, қуёш активлигининг энг юксалган ва энг пасайган нуқталари ана шу даврга киради.

Биз қуёшнинг ўта активлиги 1990—1991 йилларда кузатилади, деб ҳисоблаймиз. Албатта, қуёшдаги чақнашларнинг акс садоси ерга ҳам етиб келади. Ана шу вақтларда қуёш ёғдулари, магнит бўронлари бўлади, радио алоқаларининг қисқа муддатли узилишлари бўлади. Аммо қуёш активлигининг аввалги даврлари юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига қараганда, ерда ҳеч қандай фавқулодда ҳодисалар рўй бермаган. Ўйлайманки, қуёш активлиги оқибатда ерда рўй берадиган офатлар ҳақидаги миш-мишлар ҳеч қандай асосга эга эмас. Қуёшнинг аввалги активлиги 1979—1981 йилларга тўғри келган эди. Заминимизни қуёшнинг ҳалокатли нурларини ўтказмаётган озон қатлами муҳофаза қилиб турибди.

**СУРАТДА: Виталий Бобоев астрономияни мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ яхши кўриб қолган, ўшандаёқ астрономия институтидаги тўгаракка қатнай бошлаган эди. Ҳозир Виталий қуёш физикаси бўлимида инженер бўлиб ишлайди, Тошкент Давлат университети физика факультетининг 4-курсида ўқийди.**

**С. Величкин** сурати. (ЎзТАГ).

## «01» хабар беради

# Яна ёнғинлар ҳақида

**Газеталарнинг саҳифаларида у ёки бу ерда ёнғин чиққанлиги ҳақидаги хабарларни тобора тез-тез учратиш мумкин. Баъзан маълум муддат ичида қайд этилган ёнғинлар ва улардан кўрилган зарар ҳақидаги маълумотлар ҳам эълон қилинади.**

**Бугунги суҳбатимиз мавзуи ёнғинларга, шу йилнинг биринчи ярмида шаҳарда вужудга келган аҳволга бағишланган.**

Рақамларга мурожаат қилайлик: 6 ой мобайнида 1300 марта ёнғин чиқибди, кўрилган бевосита моддий зарар 800 минг сўмга яқинлашиб қолган. Ёнғинлар оқибатида 16 киши, шу жумладан уч бола ҳалок бўлган, 52 киши турли даражада куйган, уларнинг қарийб ярмини болалар ташкил этади. Ҳар беш ёнғиндан бири халқ хўжалиги объектларида келиб чиққан, кўрилган моддий зарар 160 минг сўмдан ошиб кетган. Ваҳоланки, бу рақамда корхона ва ташкилотларнинг мажбурий бекор туришдан кўрган зарарлари, ёнғин оқибатларини қайта тиклашга сарфланган маблағлар ҳисобга олинмаган. Ўзингизга маълум, бу рақам бевосита кўрилган моддий зарарга нисбатан кўпроқни ташкил этади.

700 га яқин ёнғин турар жой биноларида келиб чиқди. Ана шу ёнғинлар натижасида давлатга ва гражданларга 400 минг сўмликдан зиёд зарар етказилди.

Кўриниб турибдики, ҳар куни шаҳарда ўртача 7—8 ёнғин бўлиб турибди. Ҳар куни қарийб 4 минг сўмлик бойлик алангада ёниб кул бўляпти. Ҳар 19 ёнғиндан биттасида бир киши ҳалок бўлади ёки жароҳатланади. Бу ўртача олинган рақамлар холос. Ваҳоланки, айрим кунларда шаҳар ўт ўчириш бўлинмаларига ўнтадан йигирма иккитагача ёнғинни ўчиришга тўғри келади.

Ёнғин келтириб чиқарувчи асосий сабаблар нималар? Ҳар уч ёнғиндан бири ўт билан нотўғри муомалада бўлиш ва кашандалик туфайли, ҳар олти ёнғиндан бири ўт билан ўйнашиш туфайли, ҳар етти ёнғиндан бири электр симлари ёки электр приборларидан нотўғри фойдаланиш туфайли келиб чиқади. Иситиш приборларининг нотўғри қурилганлиги, маиший приборлар, иситиш системасидан фойдаланишда ёнғиндан муҳофаза қоидаларига риоя қилинмаслиги сабабли ҳам кўпгина ёнғинлар бўлиб турибди.

Ўзингизга маълум, ҳар бир ёнғин маълум бир кишининг, унинг қилмиши ёки лоқайдлиги оқибатидир. Афсуски, ҳали ҳам кўпчилик, ёнғинлар тасодиф туфайли келиб чиқади, деб ўйлайди. Бу фикр нотўғри бўлиши билан бирга, тажрибадан маълум, одамларни бепарво қилиб қўяди, ҳушёрлик йўқотилади, ёнғиндан муҳофаза қоидаларини менсимаслик қандай хунук оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш имконини бермайди.

Далилларга мурожаат қилайлик. 1989 йил 16 июнь куни соат 19 дан 25 минут ўтганда Йўлдош массивининг 16-кварталидаги қурилаётган мактаб биносининг спорт залида полни лак билан қоплаётган 159-трест 31-қурилиш бошқармасининг ишчиси Куликов залнинг ўзида бир чекиб олмоқчи бўлган эди. Лак буғларининг аланга олиши натижасида Куликов оғир даражада куйди ва ҳалок бўлди. Кўриб турибсиз, ёнғиндан хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик фожиага олиб келди.

1989 йил 25 июнь куни соат 4 дан 15 минут ўтганда «Ташсельмаш» заводининг 4-ётоқхонасида ёнғин чиққанлиги ҳақида хабар олинди. Аниқланишича, 8-хонада истиқомат қилувчи А. Мирҳайдаров магнитофонни электр тармоғига уланганича қолдирган экан. Ёнғин чиқиб, шахсий мол-мулкига жиддий зарар етказилди. Бахтига у вақтида уйғониб қолибди. Акс ҳолда оқибати хунук бўлиши мумкин эди.

1989 йил 26 июнь куни соат 11 ларда Шифокор кўчасидаги 16-уйда истиқомат қилувчи М. Иноғомовнинг хонадонида ёнғин чиқди. Аланга саноқли дақиқалар ичида 100 квадрат метрга яқин майдондаги уй томи тахталарини кулга айлантирди. Ёнғин эса уй эгасининг ўн ёшли набираси ўт билан ўйнашганлиги оқибатида келиб чиққан экан.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси ёнғиннинг ўз-ўзидан, тасодифан келиб чиқмаслигини кўрсатади. Ҳамма ёнғинларга хавфсизлик қоидаларини қўпол равишда бузиш, кўпинча эса уларни менсимаслик сабаб бўлади.

Газетхонлар эътиборини яна бир нарсага қаратишни истар эдим. Сўнгги вақтларда шаҳарда ўт ўчириш бўлинмаларининг тез-тез ёнаётган ахлатларни, қуриган ўтлар ва дарахтларни ўчириш учун йўлга чиқишига тўғри келаяпти. Дастлабки қараганда, бундай ёнғинларнинг ҳеч қандай зиёни йўқдек туюлади. Ваҳоланки, баъзан улар жиддий ва қайғули оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг. Бу йил бизга 375 марта ана шундай ёнғинларни ўчиришга тўғри келди. Эътибор беринг, 52 ҳолда ёнаётган ўт ва ахлатдан аланга халқ хўжалиги объектларига ўтган, 96 ҳолда эса турар-жой иморатларида ёнғин чиқишига олиб келган.

Ана шу ёнғинларнинг ҳаммаси экологияга жиддий зарар етказиши, яшил ниҳолларни нобуд қилиши, ҳавони заҳарлаши ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Буларнинг ҳаммаси сиз билан бизнинг бевосита иштирокимизда, лоқайдлигимиз оқибатида рўй беради. Тутаб турган сигаретни тўғри келган ерга улоқтириш, кўчалардаги, хиёбонлардаги ва боғлардаги ахлатларни ташишдан эриниб, ёқиб юбориш шулар жумласидандир. Ўзингиз ҳам тушунгандирсиз, бундай ҳолларга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Кимдир, шунча ёнғин чиққан бўлса, ёнғин хавфсизлиги шунча марта бузилган бўлса, ўт ўчирувчилар қаёққа қараяпти, ёнғин келиб чиқишида айбдорлар қандай жазоланяпти, деб сўраши мумкин.

СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ давлат ёнғиндан назорат органларига барча халқ хўжалиги объектлари ва уй-жойларни ёнғиндан муҳофаза техник кўрикларидан ўтказиш, ёнғин чиқиш хавфи бўлган айрим ишлаб чиқариш участкаларидан, хоналардан фойдаланишни қисман ёки тўла ман этиш, ёнғин чиқиш хавфи бўлган электр тармоқлари участкаларини, иситиш приборларини ўчириб қўйиш ҳуқуқи берилган. Биз ёнғин чиқишида айбдор, давлат ёнғиндан назорат органларининг кўрсатмаларини кўп вақтдан бери бажарилмаётган, шунингдек ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган шахсларни ҳам жиноий, ҳам маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эгамиз. Амалиётда биз ана шу ҳуқуқлардан кенг фойдаланишга мажбурмиз. Жумладан, шу йилнинг ўзида биз ёнғин чиқиш хавфи бўлган 1500 объектдан фойдаланишни тақиқлаб қўйдик, ёнғин чиқиши хавфи бўлган электр тармоқлари участкаларини, иситиш приборларини беш ярим минг марта ўчириб қўйдик. Ёнғиндан хавфсизлик қоидаларини турли даражада бузганлиги учун тахминан тўрт минг кишига пул жаримасини солдик.

Аммо буларнинг ҳаммаси ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун етарли эмас.

Кўпчиликнинг биргаликдаги куч-ғайрати билангина ёнғинларнинг олдини олиш мумкин. Унда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш, давлат назорат органларининг кўрсатмаларини оғишмай ва ўз вақтида бажариш ёнғиннинг олдини олишнинг асосий шартлари эканлигини ҳамиша ёдда сақлаш керак.

**Х. АЛОВУТДИНОВ,**
**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси давлат ёнғиндан назорат бошқармасининг бўлим бошлиғи.**

## Медицина муассасаларида

# Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

19-болалар поликлиникаси ходимларининг ширин-сўзлиги, бир оила фарзандларидек аҳиллигига ҳавас қилса арзийди. Бу жойда ўзбек, рус, қозоқ, татар, тожик ва бошқа миллатлар иноқ бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Муассасанинг бош врачи М. Орифхонова ёш бўлишига қарамай катта ҳурмат қозонган. У ходимларнинг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан ишлашларига алоҳида эътибор беради. Мавжуд физиотерапия, жисмоний тарбия ва болалар саломатлиги хоналари зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Ёш оналар доимий эътиборда. Улар гўдакларнинг парваришига оид маслаҳатлар олишаяпти. «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарига кўз югуртирган киши миннатдорчилик сўзларини ўқиши мумкин. Врачлардан Т. Трюшина Х. Қурбонгалиева, О. Сон, Б. Лукиноваларнинг номи ҳурмат билан тилга олинган.

Ишнинг унуми аҳилликка боғлиқ эканлигини яна бир бор ҳис қилдик. Сабаби, кейинги пайтда турли касалликлар оқибатида содир бўлаётган болалар ўлимининг анча камайганлиги туфайли коллектив Куйбишев район соғлиқни сақлаш бўлими томонидан пул мукофоти билан тақдирланди.

**Н. ДЕҲҚОНОВА.**

## Реклама ва эълонлар

# Меҳмонлар, сизлар учун!

Серқуёш ўлкамиздан хотира сифатида ўзингиз билан қандай эсдалик совғасини олиб кетишни истардингиз?

Энг аввало, сопол буюмларни тавсия қиламиз. Ўзига хос шаклдаги ёрқин бўёқли идишлар европаликларда катта қизиқиш уйғотади. Пиёлалар, косалар, лаганлар, кўзалар шулар жумласидандир.



Ипак билан тикилган сўзаналар, гулкўрпалар, чойшаблар, кирпеч ва зардеворлар ҳам албатта эътиборингизни жалб этади. Улар квартирангизга шарқона қиёфа бағишлайди. Миллий дўппилар эса кенг тарқалган эсдалик совғасидир. Хотин-қизлар, эркаклар, болалар учун мўлжалланган ипак ва зар билан тикилган, нозик қўшиб тикилган дўппилардан истаганингизни танлаб олинг.

Маҳаллий саноат министрлигининг корхоналари ишлаб чиқарган тикувчилик, трикотаж ва бадиий буюмларни — дўппиларни, сопол буюмларни, ўймакорлик маҳсулотларини, миллий газламаларни сиз Октябрь бозорида жойлашган «Шарқ гули» фирмали магазинидан, совға буюмлари магазинларидан, универмаглардан харид қилишингиз мумкин.

«Шарқ гули» магазинига 7, 8, 11, 16-трамвайларда, 4-троллейбусда, 28-«э» автобусида боришингиз мумкин.
«Октябрь бозори» бекати.

«Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

САЁҲАТ ВА САФАР ИШҚИБОЗЛАРИГА

# Дарё ва денгиз соҳилларида, тоғда, ўрмонда Сизнинг содиқ ҳамроҳингиз



Енгил чодир-пашшахона сизни қуёшдан ҳимоя қилади, тунда чивинлардан асрайди.

Унинг конструкцияси жуда содда — пашшахона учлик тиргаклардан ва матоли соябондан иборат. Уни ўрнатиш ва йиғиш жуда осон. Пашшахонани олиб юриш ҳам қийин эмас — барча деталлари ғилофга жойланган.

Вазни — 3,5 килограмм;
соябонининг узунлиги — 1000 мм.;
эни — 1755 мм.;

тиргакларининг баландлиги — 1533 мм.

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти.

Балиқчилар учун мўлжалланган пашшахонани «Узспортторг» магазинларидан харид қилиш мумкин.

Баҳоси — 36 сўм 50 тийин.

Маълумотларни 64-05-61, 64-76-56 телефонлари орқали олиш мумкин.

**«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси.**

Савдо ташкилотларининг раҳбарлари диққатига!




# Рўзғордаги майда-чуйдалар

«Узхозторг» Тошкент областлараро базаси қуйидагиларни таклиф қилади:

СУРИЛАДИГАН ЭШИКЛАР УЧУН МОСЛАМАЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ТЎПЛАМИНИ — девор бўйлаб suriladigan эшиклар турар жой майдонидан унумли фойдаланиш имконини беради — тўплам баҳоси 10 сўм;

ДЕВОРТЕШГИЧЛАРНИ — баҳоси 1 сўм 20 тийиндан;
ПЛАСТМАССА ИЛГАКЛАРНИ — баҳоси 1 сўм 20 тийиндан;

ОШХОНА ЖИҲОЗЛАРИ УЧУН МОСЛАМАЛАРНИ — 1 сўм 70 тийиндан;

ЯНГИ МЕВАЛАРНИ, САБЗАВОТЛАРНИ, КЎКАТЛАРНИ, ГУЛЛАРНИ полиэтилен пакетларда сақлаш учун газоселектив мембранали ГОУ—4 қурилмасини (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш муддати 2-3 баравар кўпаяди) — қурилма баҳоси 1 сўм 40 тийин;

АЛЮМИНИЙ ҚОЗОНЛАРНИ (12,5 литр сиғимли) — баҳоси 6 сўм 5 тийин;

МЕХАНИК МИКСЕРЛАРНИ — баҳоси 5 сўмдан;

КРЕМ, МУСС, КЎПИРТИРИЛГАН ОҚСИЛЛАРНИ тайёрлаш учун МЕХАНИК кўпиртиргични — унинг ёрдамида оғир меҳнат жараёни енгил ва тез бажарилади — баҳоси 4 сўм;

ЁНҒОҚ МАЙДАЛАГИЧЛАРНИ — баҳоси 2 сўм 50 тийиндан;
ШИШАЛАР УЧУН ПЛАСТМАССА ПЎКАКЛАРНИ — баҳоси 10 тийиндан.

**«Узхозторг» Тошкент областлараро улгуржи базаси.**

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

